

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ВА ҚИЁСИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Бозоров Мақсудали Махмудович

Тошкент давлат юридик университети
жиноят-процессуал ҳуқуқи шўбаси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21699357>

Аннотация. Мақолада жиноят суд ишларини юритишда процессуал чиқимларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари халқаро стандартлар ҳамда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида ўрганилган. Муаллиф томонидан роман-герман, англо-саксон ва МДХ давлатлари тажрибаси таҳлил қилиниб, процессуал чиқимларнинг комплекс таснифи ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига уч йиллик даъво муддатини жорий этиш, тўловларни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш механизмини мустаҳкамлаш ҳамда мажбурлов ҳаракатлари билан боғлиқ сарфларни ундириш бўйича муайян норматив таклифлар берилган.

Калит сўзлар: процессуал чиқимлар, одил судлов, қиёсий ҳуқуқшунослик, даъво муддати, инсон ҳуқуқлари, харажатларни қоплаш, харажатларни ундириш.

Жиноят суд ишларини юритиш жараёни фақат далилларни тўплаш, баҳолаш ва ҳуқуқий қарор қабул қилиш билан чекланмайди. У айна пайтда муайян молиявий, ташкилий, техник ва компенсацион харажатларни ҳам келтириб чиқаради. Суд-тергов ҳаракатларини ўтказиш, экспертиза тайинлаш, таржимон жалб қилиш, иштирокчиларни чақириш ва келтириш, ашёвий далилларни сақлаш ва ташиш, айрим ҳолларда эса ҳимоя ва юридик ёрдамни давлат ҳисобидан таъминлаш каби жараёнлар жиноят-процессуал фаолиятнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларациясининг 10-моддаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг (ЕҲК) 6-моддасида мустаҳкамланган “**одил судлов ҳуқуқи**” мазкур жараёнларнинг молиявий жиҳатдан ҳам адолатли, шаффоф ва прогноз қилинадиган бўлишини талаб этади.

Ўзбекистонда жиноят ишларини юритишда процессуал чиқимларга оид асосий қоидалар Жиноят-процессуал кодексининг тегишли нормаларида ва суд амалиётини йўналтирувчи Олий суд тушунтиришларида ифодаланган. Бироқ амалда “бошқа чиқимлар” каби очиқ формулаларнинг мавжудлиги, чиқим турларининг етарлича деталлаштирилмагани, ундириш тартибининг айрим жиҳатлари аниқ эмаслиги ва тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш каби механизмларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмагани мазкур институтни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтиради. Айниқса, глобаллашув шароитида хорижий давлатлар қонунчилигида тўпланган ижобий тажрибани

ўрганиш миллий қонунчиликни ривожлантириш учун муҳим илмий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/34-сонли Декларацияси жинойт ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш оқибатида жабрланганларга компенсация ва реституция тўлашни давлатнинг устувор вазифаси сифатида белгилайди.

Процессуал чиқимлар мавзусининг долзарблиги, аввало, унинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш ва жинойт судловининг сифатини ошириш билан чамбарчас боғлиқлигида намоён бўлади. Жинойт процессида ким, қачон, қандай ҳолатда ва қайси харажатларни қоплаши масаласи фақат ҳисоб-китоб техникаси эмас, балки процесс иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий мувозанатни белгилайдиган муҳим ҳуқуқий масаладир. Агар процессуал чиқимлар институти аниқ ва прогноз қилиниши мумкин бўлган ҳодалар билан тартибга солинмаса, бу бир томондан давлат харажатларининг ортиб кетишига, иккинчи томондан эса гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, холис, гувоҳ ва бошқа иштирокчилар ҳуқуқларининг камситилишига сабаб бўлиши мумкин.

Процессуал чиқимлар жинойт ишини юритиш билан бевосита боғлиқ бўлган, қонунчиликда назарда тутилган ва процесс қатнашчилари ёки давлат зиммасига юклантилиши мумкин бўлган сарфлар йиғиндисидир. Уларнинг ҳуқуқий табиати икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, улар одил судловни амалга оширишнинг зарур ташкилий-молиявий шарти ҳисобланади. Иккинчидан, улар муайян процессуал хулқ-атворнинг ҳуқуқий оқибати сифатида намоён бўлади. Масалан, айблов ҳукми чиқарилганда харажатларнинг маҳкум зиммасига юкланиши ёки узрсиз сабабларга кўра келмаган гувоҳга мажбурий келтириш билан боғлиқ сарфларни юклаш шулар жумласидандир.

Шу нуқтаи назардан процессуал харажатлар институти фақат бюджет масаласи эмас, балки жинойт процессидаги масъулият, компенсация, тенглик ва манфаатлар мувозанати механизмидир. Унда, бир томондан, давлатнинг одил судловни таъминлаш мажбурияти, иккинчи томондан, процесс иштирокчиларининг виждонли ва қонунга мувофиқ хулқ-атворини рағбатлантириш вазифаси уйғунлашади.

Тадқиқот натижасига кўра, процессуал харажатларни қуйидаги комплекс таснифда ёритиш мақсадга мувофиқ: а) компенсацион харажатлар – гувоҳ, жабрланувчи, таржимон, мутахассис, эксперт ва бошқа шахсларга тўланадиган суммалар; б) хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар – ҳуқуқий ёрдам, таржима, экспертиза, почта ва ахборот-техника хизматлари учун тўловлар; в) ташкилий-техник харажатлар – ашёвий далилларни сақлаш, ташиш, нусха кўчириш, электрон хизматлар ва техник воситалардан фойдаланиш сарфлари; г) молиявий-мажбурлов хусусиятидаги харажатлар – қидирув, мажбурий келтириш, суд мажлисини кечиктириш оқибатида келиб чиққан сарфлар; д) давлат ҳисобидан қопланадиган, лекин қонунда белгиланган асосларда кейинчалик ундирилиши мумкин бўлган харажатлар.

Мазкур муаммо илмий адабиётларда асосан жиноят-процессуал мажбуриятлар, суд чиқимларининг ҳуқуқий табиати, давлат ҳисобидан юридик ёрдам ва процессуал сарфларни ундириш механизмлари контекстида ўрганилган. Бироқ миллий адабиётда аксарият ҳолларда назарий ёндашувлар ё алоҳида норма таҳлили устувор бўлиб, кенг қамровли қиёсий-ҳуқуқий таҳлил етарлича эмас. Шу жиҳатдан хорижий давлатлар тажрибасини ҳуқуқий оилалар кесимида умумлаштириб, уни миллий жиноят-процессуал сиёсат нуқтаи назаридан баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Роман-герман ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар тажрибаси процессуал харажатларни нисбатан батафсил ва тармоқланган ҳолда тартибга солиши билан ажралиб туради. Франция жиноят-процессуал қонунчилигида суд харажатларининг рўйхати анча кенг қамровли бўлиб, унга айбланувчи ёки маҳкумни ташиш, ашёвий далилларни кўчириш, эксперт ва таржимонларга ҳақ тўлаш, ушлаб туриш, эксгумация, почта, ҳужжат тайёрлаш, қидирув ва нусха кўчириш хизматлари, шунингдек электрон хизмат ва техник воситалар билан боғлиқ сарфлар киритилган. Бу ерда асосий эътибор процессуал фаолиятнинг деярли барча амалий босқичларини молиявий жиҳатдан қамраб олишга қаратилган.

Франция тажрибасининг муҳим хусусияти шундаки, гувоҳлар ва халқ маслаҳатчиларига ишдан ажралганлик, қатнашиш, хизмат сафари ва кунлик тўловлар бўйича компенсация бериш масаласи ҳам қонуний тарзда етарлича аниқлаштирилган. Демак, мазкур моделда давлат фақат айблов функциясини эмас, балки процесс иштирокчиларининг судда самарали қатнашишини таъминлашга қаратилган молиявий кафолатларни ҳам зиммасига олади.

Германияда иш юритиш харажатлари тўғрисидаги қоидалар жуда тизимли тузилган. Унда суд чиқимларини ундириш асослари, иш тугатилганда ёки оқлов ҳукми чиқарилганда харажатларнинг давлат зиммасига ўтиши, айблов ҳукми мавжуд бўлганда эса маҳкум томонидан қопланиши аниқ ифодаланади. Айниқса, немис тилини билмайдиган айбланувчининг таржимондан бепул фойдаланиш ҳуқуқи процессуал адолатнинг муҳим кафолати сифатида эътироф этилади. Бундай ёндашув молиявий масала билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси ўртасида мувозанат яратади.

Австрия қонунчилиги ҳам процессуал харажатларнинг кенг рўйхатини белгилайди. Унда экспертлар, таржимонлар, маълумотнома ва хулосалар тайёрлаш, чет элдан гувоҳ чақириш, банк маълумотларини олиш, жазони ижро этиш билан боғлиқ айрим сарфлар ҳам суд харажатлари таркибига киритилган. Шу билан бирга, чақирувга бўйсуниб мажбуриятини бузган гувоҳга мажбурий келтириш билан боғлиқ харажатларни юклаш механизми назарда тутилган. Бу ҳолат процесс иштирокчилари интизомини таъминлашда молиявий-ҳуқуқий воситаларнинг аҳамиятини кўрсатади.

Ушбу ҳуқуқий оила тажрибасини умумлаштирганда, учта асосий хулоса келиб чиқади: биринчидан, харажат турлари иложи борида очик эмас, балки деталлаштирилган шаклда баён қилинади; иккинчидан, оқлов ёки иш тугатилиши ҳолатларида давлат жавобгарлиги аниқ белгиланади; учинчидан,

процесс иштирокчиларининг ноинсоф ёки интизомсиз хулқ-атвори ортидан келиб чиққан сарфлар уларнинг ўзига юклатилади.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда процессуал харажатлар институти кўпроқ суд амалиёти, процессуал дискреция ва молиявий имкониятни ҳисобга олиш механизмлари билан характерланади. Буюк Британия ва Сингапур тажрибаси шуни кўрсатадики, суд муайян ҳолатларда харажатларни ундириш, кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини ишнинг ҳолатлари, шахснинг тўловга қобилияти ва процессуал адолат талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади. Бу ерда формал рўйхатдан кўра, мослашувчан процессуал ёндашув устуворроқ.

Мазкур моделнинг афзаллиги шундаки, у ҳар бир ишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради. Бироқ камчилиги шундаки, қонунчиликда етарлича аниқ мезонлар бўлмаса, амалиётда турлича ёндашувлар юзага келиши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон учун бу тажрибадан, аввало, тўловни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш институтини жорий қилиш бўйича ғоялар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Мусулмон ҳуқуқ тизими доирасида, хусусан Эрон мисолида, давлат манфаати, жамоат тартиби ва процессуал интизом тамойиллари билан боғлиқ ёндашув кузатилади. Бу ерда процессуал харажатлар масаласи айрим ҳолатларда жавобгарликнинг ҳуқуқий-ахлоқий мазмуни билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Ўзбекистон ҳуқуқ тизими тўлиқ мазкур моделга таянмаган бўлсада, ундан жамоат манфаатини муҳофаза қилиш ва процессуал бурчларни бузишнинг моддий оқибатларини аниқ белгилаш нуқтаи назаридан фойдаланиш мумкин.

МДҲ давлатлари қонунчилиги Ўзбекистон учун қиёсий таҳлилда айниқса муҳим, чунки уларнинг ҳуқуқий анъаналари, кодекс тузилиши ва процессуал институтлари миллий моделга яқин ҳисобланади. Беларусь тажрибасида давлат суд-экспертиза ташкилотларининг сарфланувчи материаллари ва ускуналарини жорий таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни, шунингдек тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашувчи шахсларга тўланадиган суммаларни процессуал харажатларга киритишга эътибор қаратилган. Бу ёндашув Ўзбекистон амалиёти учун долзарб, зеро амалда ана шундай сарфлар кўпинча умумий ташкилий харажат сифатида қабул қилиниб, процессуал режимдан четда қолиб кетади.

Қозғоғистон ва Қирғизистон тажрибасида процессуал харажатларни ундириш ҳуқуқи учун муайян даъво муддатининг белгиланиши алоҳида аҳамиятга эга. Суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан кейин чекланмаган муддат давомида ундириш имкониятининг сақланиши ҳуқуқий аниқлик принципига тўғри келмайди. Шунинг учун уч йиллик муддатнинг жорий қилиниши миллий қонунчиликда ҳам мантиқий ва адолатли ечим бўлиши мумкин.

Ўтказилган қиёсий-ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, турли ҳуқуқий тизимлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлишига қарамай, процессуал чиқимларни тартибга солишда бир қатор умумий қонуниятлар шаклланган. Биринчидан, процессуал харажатлар доираси одатда гувоҳ, эксперт, таржимон,

ҳуқуқий ёрдам, ташиш, сақлаш ва техник хизматлар каби базавий элементларни ўз ичига олади. Иккинчидан, айблов ҳукмида харажатларнинг маҳкум зиммасига юкланиши, оқлов ёки иш тугатилишида эса давлат зиммасига олиниши кенг тарқалган модель ҳисобланади. Учинчидан, процесс иштирокчисининг айби ёки виждонсиз хулқ-атвори туфайли келиб чиққан қўшимча сарфларни унга юклаш тенденцияси мавжуд.

Шу билан бирга, хорижий тажриба миллий қонунчилик учун бир нечта истиқболли йўналишларни очиб беради. Биринчи илмий янгилик сифатида процессуал харажатларнинг комплекс таснифи таклиф этилмоқда. Амалдаги қонунчиликда турли харажатлар бир рўйхат ичида санаб ўтилиши мумкин, бироқ уларнинг ҳуқуқий функцияси ва ундириш режими ҳар хил. Таклиф этилган тасниф эса келгусида нормаларни тизимлаштириш, айрим харажатлар бўйича алоҳида ундириш қоидаларини ишлаб чиқиш ва суд амалиёти бирхиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчи илмий янгилик –тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш, кечиктириш ва айрим ҳолларда ҳимоя харажатларини олдиндан тўлаш каби механизмларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш таклифидир. Бу ёндашув бир вақтнинг ўзида ҳам инсонпарварлик, ҳам процессуал тежамкорлик талабларига жавоб беради.

Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар

1. Процессуал харажатларни ундириш учун даъво муддатини белгилаш керак. Суднинг якуний қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йиллик муддат жорий этилиши ҳуқуқий аниқлик, прогноз қилиш мумкинлиги ва ижро интизомини таъминлайди.

2. Судга ёки тергов органига келмаслик, процессни атайлаб чўзиш, асоссиз илтимоснома ёки шикоятлар натижасида келиб чиққан қўшимча сарфларни айбдор шахс зиммасига юклаш тартибини аниқ механизм билан белгилаш лозим. Бунда суд шахсининг айби, харажат билан ҳаракат ўртасидаги сабабий боғланиш ва сарфнинг асосли миқдорини мотивировка қилиши шарт.

3. Процессуал харажатларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки тўловни кечиктириш институтини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бу, айниқса, ижтимоий аҳволи оғир бўлган шахсларга нисбатан процессуал адолатни таъминлашнинг муҳим воситаси бўлади.

4 . Давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам, таржимон ёки эксперт хизмати учун қилинган сарфларнинг қайси қисми, қачон ва қай тартибда шахсдан ундирилиши мумкинлиги янада аниқроқ белгиланиши керак. Айбсиз деб топилган ёки иш тугатилган шахсга нисбатан бу масалада давлат зиммасидаги кафолатлар устувор бўлиши лозим.

7. Суд амалиёти бирхиллигини таъминлаш учун Олий суд Пленумининг процессуал чиқимлар бўйича тушунтиришларини замонавий амалиёт ва янги харажат турларини ҳисобга олган ҳолда янгилаш мақсадга мувофиқ.

Таклиф этилаётган ёндашувлар жиноят-процессуал ҳуқуқ назарияси учун, аввало, процессуал харажатлар институтини тизимли қайта англаш имконини беради. Ушбу институтни фақат суд чиқими ёки молиявий қоплама сифатида эмас, балки процессуал функцияларни таъминловчи ва

иштирокчилар хулқ-атворига таъсир этувчи кўп қиррали ҳуқуқий механизм сифатида талқин қилиш унинг назарий чегараларини кенгайтиради.

Амалий жиҳатдан эса мазкур таклифлар суриштирув, тергов, прокуратура ва суд фаолиятида харажатларни ҳисоблаш, асослаш ва ундиришда бир хилликни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, процессуал интизомни мустаҳкамлаш ва иштирокчилар ҳуқуқларини яхшироқ ҳимоя қилиш имконияти яратилади.

1. Процессуал харажатлар жиноят суд ишларини юритишнинг ёрдамчи эмас, балки мустақил ва муҳим ҳуқуқий институти бўлиб, у одил судловни амалга оширишнинг молиявий-ташкилий асосини таъминлайди.

2. Ўзбекистон қонунчилигида процессуал чиқимларни тартибга солиш бўйича асосий нормалар мавжуд бўлсада, айрим харажат турларининг тўлиқ очиб берилмагани ва ундириш механизмларининг деталлаштирилмагани мазкур институтни такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

3. Хорижий давлатлар тажрибаси процессуал харажатлар рўйхатини аниқ ва тўлиқ белгилаш, оқлов ёки иш тугатилишида давлат зиммасидаги мажбуриятни мустаҳкамлаш, айбдор хулқ-атвор натижасида келиб чиққан сарфларни эса тегишли шахс зиммасига юклаш самарали ҳуқуқий модель эканини кўрсатади.

4. Процессуал харажатларни компенсацион, хизмат кўрсатишга оид, ташкилий-техник, молиявий-мажбурлов ва давлат ҳисобидан қопланадиган турларга ажратиш уларни ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаш ва амалиётда тўғри қўллаш учун қулай илмий тасниф ҳисобланади.

5. Процессуал харажатларни ундириш учун уч йиллик даъво муддатини белгилаш, тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш ва кечиктириш механизмларини жорий этиш ҳуқуқий аниқлик ва инсонпарварлик тамойилларига мос келади.

7. Давлат ҳисобидан кўрсатиладиган юридик ёрдам, таржимон ва эксперт хизматлари бўйича сарфларнинг ҳуқуқий режими янада аниқлаштирилса, суд амалиётида ягона ёндашув шаклланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг процессуал чиқимлар бўйича тушунтиришларини янгилаш ва амалдаги ЖПКга қўшимча ҳамда аниқлаштирувчи нормалар киритиш жиноят судловининг самарадорлиги ва адолатини оширади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Ташкент: Ўзбекистон, 2023. – <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – <https://lex.uz/docs/111460>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонуни (2023 йил 16 июнь, ЎРҚ-848-сон). – <https://lex.uz/docs/6493902>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 октябрдаги 570-сон қарори “Жиноят процессида иштирок этувчи шахсларга

- тўланиши лозим бўлган суммаларни тўлаш тартиби тўғрисида”. – <https://lex.uz/docs/6646871>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 28 декабрдаги 35-сонли қарори “Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти тўғрисида”. – <https://lex.uz/docs/4142780>
6. United Nations General Assembly Resolution 40/34 (1985). Declaration of Basic Principles of Justice for Victims of Crime and Abuse of Power. – <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/declaration-basic-principles-justice-victims-crime-and>
7. European Convention on Human Rights (ECHR) (1950). Article 6: Right to a Fair Trial. Council of Europe. https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention_eng
8. Code de procédure pénale de la République française (Франция Жиноят-процессуал кодекси). – Legifrance. – https://www.legifrance.gouv.fr/codes/texte_lc/LEGITEXT000006071154/
9. Strafprozessordnung (StPO) (Германия Жиноят-процессуал кодекси). – Bundesministerium der Justiz. – <https://www.gesetze-im-internet.de/stpo/>
10. strafprozessordnung 1975 (StPO) (Австрия Жиноят-процессуал кодекси). – Rechtsinformationssystem des Bundes. – <https://www.ris.bka.gv.at/GeltendeFassung.wxe?Abfrage=Bundesrecht&Gesetzesnummer=10002326>
11. Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2014 йил 4 июль, № 231-V). – <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>
12. Қирғизистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2021 йил 28 октябрь, № 129). – <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/158611>